



THE ROLE OF RISHTON SCHOOL OF CULTURE IN THE DEVELOPMENT OF APPLIED ART ON THE BASIS OF NATIONAL AND MODERN TENDENCIES

Abdullaev Alimardon Khaydarovich

Kokand State Pedagogical Institute

Tel: 99-047-13-86 e-mail: Abdullayev@gmail.com

Sharaboev Ulugbek Muhammedovich

Kokand State Pedagogical Institute

Annotation

This article discusses the unique artistic and aesthetic value of the art of pottery, the history of development and current activities of Uzbek art pottery and Rishtan pottery.

Keywords. Pattern elements, ceramics, pottery school, pottery, masterpieces.

Introduction

Ўзбекистон Республикаси мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида тсвирий санъат фанини ўқитишни ривожлантириш концепцияси Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сонли Қарори, 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли ҳамда 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли ва 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари, 2025 йилгача Ўзбекистон саноатининг ривожланиши концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ишлаб чиқилган [1].

Бундан ташқари Президентимиз ислохотларни амалга оширишда биз ёшларга катта ишонч билдирганлар. Шу нуқтаи назардан қаралганда ҳозирги ёшлар ҳам ўз билим, кўнишка ва малакаларини Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига бағишилаш зарур. Бунинг учун олган билимлар асосида янги-янги маҳсулотлар олишга қаратилган илмий тадқиқотлар билан шуғилланиш ва шу билан ушбу соҳани ривожига ўз хисса қўшиш зарур.

Ўрта Осиёга ислом динининг кириб келиши ва тарқалиши натижасида эса меъморчиликдаги тасвир ва ҳайкаллар ўрнини бадиий нақш безаклари эгаллаган. Бу эса кулолчилик санъатининг кенг тараққиёти учун замин яратди. Айниқса, IX-XIII асрлар декоратив санъатда кулолчиликнинг ажойиб намуналари яратилганлиги маълум.



IX-XI асрларда кулолчилик санъати янада ривожланганигини ва унда мураккаб нақш элементлари пайдо бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Афросиёбда олиб борилган археологик қазишмалар натижасида IX-XI асрларда ишланган саройларнинг қолдиқларидан жуда ҳам қўплаб кулолчилик намуналари топилган. Фарғона водийсида XII асрда безак сифатида ҳар хил плиткасимон кулолчилик намуналари ишлатилган. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугунги кунда меъморчилиқда ишлатилаётган безакли кулолчилик плиткалари XII асрда ҳам кенг авж олганлигини кўрсатади.

Ўша даврларда Ўрта Осиё маданияти тез суръатлар билан ривожланда, янги юксалишлар даври бўлди. Абу Али ибн Сино, Беруний, Фирдоус, Рудакий каби буюк мутаффакирлар, олимлар, ёзувчилар етишиб чиқди. Бутун дунёга машҳур бўлган меъморлик обидалари бунёд этилди. Бухорода Исмоил Самоний мақбарси барпо этилди.

XIII асрга келиб мўғиллар босқинчилиги оқибатида Бухоро, Самарқанд, Урганч, Мавр, Балх ёнғин остида қолди. Оқибатда кулолчилик санъати ривожига катта птурт етди.

XIV асрдан бошлаб эса Ўрта Осиё худудида кулолчилик жадал суръатлар билан ривожланди. Амир Темур бобомиз санъат ва маданиятга, меъморчилик катта эътибор қаратди. Халқ турмуш тарзини яхшилаш мақсадида қилган саъи-ҳаракатлари туфайли амалий санъатнинг барча турлари ҳам яна ривожланди. Бошқа ўлкалардан усталарни олиб келиб, улар учун маҳсус расталар ташкил қилдирди. Оlamга донғи кеган машҳур, гўзал бинолар, қасрлар, саройлар қурдирди, уларнинг ҳар бирини алоҳида ўрганилиши лозим бўлган тадқиқот иши саналади. Аммо, Амир Темур вафотидан кейин эса ички низолар оқибатида марказлашган хонлик кучсизланиб кетади. Натижада эса Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари пайдо бўлади. Ўрта Осиёда бир неча феодал давлатларнинг бундай ажралиши натижасида ўзаро алоқалар сусайиб кетади. Шунинг учун ҳам кулолчилик турли хонликларда турлича ривожланади. Бизнингча Риштон кулолчилик санъати Қўқон хонлиги тасаруфида бўлган худдуллардаги кулолчилик марказлари ҳисобланган Чорку, Нурумсарой ва Андижон мактаблари билангина яқин алоқада бўлган.

Маълумотлардан қўринадики, қадимдан кундалик турмуш тарзимизда кенг қўлланилиб устозшогирд мактаби асосида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ҳамда Ўзбекистон кулолчилик санъатини оламга танитишда ўзининг муносаб ҳиссасини қўшиб келаётган Риштон кулолчилик санъати, унинг етук вакиллари ҳамда уни ўзига хос томонлари тадқиқ қилишга қаратилгандир. Кулолчилик санъатининг инсоният тарихи билан чамбарчас боғлиқлиги азал - азалдан археологлар ва санъатшунослар, олимларни унга бўлган қизиқишини ортириб юборган. Чунки, кулолчилик санъати ва уни тарихини ўрганиш инсонларни кундалик турмуш тарзини, яшаш шароитини, урф-одатларини, қарашларини аниқлашга катта ёрдам беради.

Манбааларни таҳлил қилишда маълум бўлди, сопол буюмлардан фойдаланиш темир, мис ёки шу каби бошқаларга нисбатан инсон саломатлиги учун фойдали ҳисобланади. Қолаверса, қадимдан ота-боболаримиз арпа, шоли, буғдой каби бошоқли донларни сақлашда сопол қўзалардан, хумлардан фойдаланиб келишган. Чунки, бошоқли донларни сопол идишларда



сақлаш жараёнида уларнинг сифати, таркиби умуман ўзгармайди. Сабзавот ва мевалар ҳам сопол буюмларда яхши сақланади. Аммо, Риштон кулолчилик санъати ва уни келиб чиқиши тарихи тўғрисидаги маълумотлар етарли даражада эмас. Ҳаттоқи, устазодалар сулолласининг шажараси ҳам тузилмаганлиги маълум бўлди. Риштонлик усталар эришган ютуқлар, Ватанимизда ва ундан ташқарида қатнашган кўргазмалар ҳақида маълумотлар ҳам кам. Устакулолларнинг ижод намуналарини ўрганиш ва уларнинг ўзига хос услубини тарғиб қилиш, ўсиб келаётган ёш авлодга етказиш керак. Шунинг учун ҳам Риштон кулолчилик санъатининг тарихини ва бугунги кунини ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Риштон кулолчилик санъати ўзбек халқ амалий санъатнинг ажралмас бир қисми бўлиб, ўзининг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадимий услугуб ва миллий анъаналарини сақлабгина қолмасдан унга замонавийлик бағш этгани билан ҳам унга қизиқиш катта ҳисобланади.

Бундан ташқари ўзбек туризмини ривожлантиришда, жумладан, Фарғона водийсига хорижлик сайёҳларни жалб этишда Риштон кулолчилик санъатининг ўзига хослиги ҳам катта аҳамият касб этади.

Риштон кулолчилик санъати ва унинг пайдо бўлиши тарихи, асарлардан асрларга ўтиб келаётган анъанавий устоз-шогирд мактаби, машҳур уста-кулолларнинг тажрибалари ва уларни бугунги кундаги аҳамияти, замонавий мактаб яратган машҳур уста-куллоллар ва кулолчилик санъатини Риштонда ривожланишига ижобий ва салбий таъсир этган тарихий, сиёсий, ижтимоий жараёнлар бўлиб, илк пайдо бўлган вақтдан то ҳозирга қадар бўлган жараённи ўзида акс эттирган давлат хужжатлари, газета, журнал материаллари бўлиб хизмат қиласди.

Кулолчилик санъати ўзининг бадиий-эстетик қиймати ва кундалик эҳтиёжимизни қондирувчи восита сифатида ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди. Амалий санъатнинг таркибий қисми, жаҳон санъатининг бебаҳо дурдонаси бўлган кулолчилик санъати қадимдан санъатшунослар, халқ усталари томонидан катта қизиши билан ўрганиб келинган.

Илмий адабиётлардан, газета ва журнал материалларидан маълум бўлди, Риштон кулолчилиги ва унинг ўзига хос услубини, машҳур уста-кулоллар ҳаёти ва ижоди ҳамда хорижий давлатлар билан ташкил қилинган ҳамкорлик алоқаларини ўрганишга бағишлиланган тадқиқотлар ишлари адабиётларда жуда кам учрайди.

Ўзбекистонда бадиий кулолчилик халқ амалий санъатининг кўплаб турлари ичida маҳсус ўринни эгаллайди. Ўзбек бадиий кулолчилик буюмлари ҳамиша ўта ноёб таъсирчанлиги ва пухталиги билан халқ ижодининг асл хусусиятларини ифода этиб келади.

Лаганлар, думалоқ пиёла ва косалар, гулдон ва қўзалар, хумлар энг катталаридан тортиб энг мўъжазигача ишлатишга қулай, шаклан эса нафис қилиб ишланган. Қадим замонлардан бери омма орасида сопол буюмларга талаб катта. Уларнинг зўр маҳорат билан ясалганлиги, шаклининг гўзаллиги, дадил фантазиянинг уйғунлашганлиги, ранг ишлатишдаги меъёр ажратиб туради.

Ўзбекистоннинг бадиий сопол буюмлари икки тупга бўлинади: бири – куйдирилган, сирланмаган қизғиши сопол, иккинчиси – сирланган гулдор сопол ҳисобланади.



Кейинги 100-150 йил ичида Ўзбекистонда кулолчилик марказлари аниқ шаклланди. Гиждувон, Шаҳрисабз, Самарқанд, Тошкент, Риштон, Хоразм каби машхур кулолчилик марказлари шулар жумласидандир. Ўтган асрнинг охирларига келиб Фарғона вилоятининг Риштон, Кувасой, Наманган вилоятиниг Фурумсарой, Сурхондарё вилоятининг Денов, Қорақалпоғистоннинг Чимбой тумани кулолларининг иши кенг танилди ва шуҳрат қозонди.

Замондош усталар ижодида этник-маданий анъаналарнинг долзарблашуви мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичи тарихан тақозо этган объектив қонуниятдир. Бундан олдинги даврлар санъати турли этник-маданий таъсиirlарнинг бир-бирига сингиб кетиши ва кейинчалик биргалигидан иборат бўлиб, бундай хусусият, шубҳасиз, Ўзбекистон санъати ва маданиятининг бундан кейинги ривожига ўз таъсирини кўрсатди[2].

Риштон – Ўзбекистондаги сирланган сопол буюмлари ишланадиган энг машхур ва қадимги марказлардан бири саналади. XIX аср охири - XX аср бошларида Риштон аҳолисининг деярли ҳаммаси кулоллардан иборат эди. Фарғона водийсидаги барча кулолчилик марказлари, жумладан, Фурумсарой, Чорку, Конибодом ва шу каби бошқа марказлар азалдан Риштон кулолчилик санъати таъсирида бўлган.

Ушбу туманда ҳар қандай турдаги буюмларни ясаш учун яроқли бўлган алоҳида навли кулолчилик гилининг мавжудлиги бунга асос бўлди. Қишиш-сарғиши рангли ажойиб гил Риштоннинг деярли бутун ҳудудида 1-1,5 метр чуқурликда қатлам бўлиб жойлашган. Гилнинг яхши сифатлилиги маҳаллий усталарнинг уни Ўзбекистоннинг бошқа туманларидағи кулоллардан фарқли равишда, олдиндан тозалаб ва бошқа турдаги тупроқларга аралашмаган ҳолда ишлаб чиқаришга жалб қилиш имконини беради. Кулоллар Риштон яқинидаги тоғлардан (Гунчироқ, Чорку, Лаклон, Ҳайдаркон ва бошқалар) ҳар хил бўёқлар, кварцли қум ва оловбардош гилларни қазиб олишган.

1960 йилларда юқоридаги эслатиб ўтилган мовий сопол буюмлари ишлаб чиқариладиган анъанавий марказлар барҳам топа бошлади, чўлда ўсадиган “гулвак” ўтидан олинадиган анъанавий ишқорли сирга асосланган ишлаб чиқариш амалда тўхтаб қолди. Риштон кулолчилик заводи Фарғона мактаби учун хос бўлмаган қўрғошинли сир билан қопланган сопол буюмларни ишлаб чиқаришга ўтди. Бошқа жойларда бўлгани сингари Риштон кулолчилигига ҳам анъанавий ишқорли сир ўрнига қалайли сир ишлатишга тўғри келиши усталардан янги материаллар билан ишлатишни ўзлаштириб олишлари учун вақт талаб қилинарди [3].

Ана шундай шароитда Санъатшуносларнинг Бутун Иттифоқ конференцияси (Фарғона, 1974 йил) қабул қилган мовий ишқорли сопол идишлари ишлаб чиқариш анъаналарини сақлаб қолиш ҳақидаги қарори амалий аҳамият касб этди. Ушбу қарор барча усталарга маъқул тушди. Улар секин-аста олдинги ишлаб чиқаришга қайтиб, буюмларни безашнинг анъанавий шакллари ва усулларини яна қайта тиклай бошлишди. Кейинги 30 йил ичида Риштон сополи анъанавий бадиий ва технологик усуллар асосида яна қайта тикланди, ишқорли сир тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Ҳозирги вақтда бу ерда сопол идишларнинг япалоқ (косалар, лаганлар) ва узун бўйли (кўзалар, хумлар) турлари ишлаб чиқарилмоқда.



Илгари ишлар ихтисослашган тарзда бажариларди – япалоқ буюмларни, яъни япалоқ ва қисқа бўли шакллар ясовчи усталар косагар, баланд, бўйи чўзилган буюмларни ясайдиган усталарни – кўзагар дейишган. Ҳозир бундай таснифлаш илгариги моҳиятини йўқотмаган; айрим усталар И.Комилов, У.Ашурев, И.Комилов-кичиги ҳам япалоқ ҳам чўзинчоқ шаклли идишларни ясашади. Айни пайтда бир қатор қулоллар асосан, ўрта ёш авлод вакиллари Ш.Юсупов, А.Назиров, А.Усмонов ва бошқалар кўпроқ япалоқ идишлар – лаганлар ясаш билан шуғулланганлар[4].

Мустақиллик йилларида Риштонлик қулоллар ҳам аввалги даврлар санъати анъаналарига мурожаат қилиниши ҳам тасодиф эмас. Нафақат Риштон балки, бутун Ўзбекистон халқи этногенези ва маданий келиб чиқиши жараёни, ўзаро таъсирининг тўлиқ манзарасини қайта тиклаш лозим. Ўзбекистоннинг бугунги жамияти онгли тарзда миллий маданиятни сақлаб қолиш ва уларни янада бойитишни амалга оширмоқда.

Хулоса ўрнида ушбу маълумотлардан умумий ўрта таълимда, ихтисослашган лицейларда ўқувчи-ёшлар ҳамда олий таълим тизимида талабалар амалий санъат сирларини әгаллашларида фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари таълим тизимида, амалий санъат фанини ўқитишида фойдаланиладиган ўқув қўлланма ва дарсликларга Риштон қулолчилик санъати ҳақидаги янгиликлар сифатида ҳамда бу соҳани ривожланиш тенденцияларига ўзининг амалий аҳамияти салмоғини ошишига катта ҳисса қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат фанининг узвийлигини таъминлаш концепцияси. Тошкент-2020.
2. А.С.Морозова, Н. В. Аведова, С.М.Махкамова. Ўзбекистон халқ санъати. Т.; 1977. 28-б.
3. Асқарбек Акпаров. Фарғона водийси амалий санъати. Н.; 2007. 31-бет.
4. Сурайё Алиева. Риштоннинг мовий сополи. Санъат -98. № 1-3, 34-бет.